



ИШОНЧ

42

1993
ИИЛ
16—22
Октябрь
(135)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Шу кунларда республикамиздаги меҳнатга яроқли барча ёшу қарилар пахтакорлар сафидан ўрин олиб, етиштирилган «оқ олтин»нинг бирор граммини ҳам нобуд қилмасдан териб олишда уларга яқиндан ёрдам бераётдилар.

(Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикадаги барча касаба уюшмаси фаолларига мурожаатидан).

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

КОРАҚАЛПОҒИСТОНДА бу йилги табиат кийинчиликлари мардонавор меҳнат, тadbirkorлик эвазига энгиб ўтилди, далаларда юксак марра 350 минг тонна пахта тайёрлашга етгулик ҳосил тўпланди. Ҳозирда уни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга жадал киришилди. Кейинги икки ҳафтадан буён кунига йиллик режанинг 3 фоиздан ортиқ миқдорда пахта сотилмоқда. Тахтакўпир, Тўрткўл, Амударё, Эллиқалъа, Беруний туманларида кунлик суръат 4 фоиз атрофида осяпти. Далаларда 2000 «зангори кема» ишлаяпти. Унинг ҳар бири 90—100 теримчининг ишини бажараяпти. «Пахта-93» мавсумининг биринчи кунлариданок карвонбошлик қилаётган Эллиқалъа туманидаги «Янгиер» давлат хўжалиги-техникуми, Тўрткўлдаги «Ғалаба», Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги биринчилардан бўлиб йиллик режани бажардилар.

— Пахта терими энг кизгин паллага кадам қўйган шу кунларда 2000 га

яқин бошланғич ташкилотларимиз ўз ишларини далага кўчирдилар,— дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон республикаси деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси П. Н. Қурбоннов,— Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг пахта йиғим-теримини кучайтириш юзасидан республикадаги барча касаба уюшмаси фаолларига мурожаатини кизгин кутиб олиб яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Мурожаатга жавобан ўзаро мусобақа кучайтирилмоқда. Ғолиблар рағбатлантирилмоқда. Баъзи хўжаликлар терилган пахтага ҳақ тўлашда ўз имкониятларини ҳисоблаб мустақил иш тутаяптилар. Қорақалпоғистон заршунослари октябрь ойида юксак маррани эгаллаш учун барча куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



Наманган шаҳрида очилган Ўзбекистон-Канада ҳамкорлигидаги «Мистер гудбай» қўшма корхонасида ҳар ойда 60 минг донадан эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилаяпти. Суратда: қўшма корхонанинг илғор тикувчи қизларидан бири Махфиратхон Охунова.

Махфиратхон, сизнинг қўли гул, ҳамма ҳавас қиладиган машҳур чевар бўлиб, меҳнатдан бахт-иқбол топишингизга тилакдошмиз.

А. МИРЗАЖОНОВ олган сурат.

ОБУНА — 94

«ИШОНЧ» ҚЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ИШОНЧ» (нашр номи) 64560 (нашр кўрсаткичи)
газетасига ОБУНА
обуна сонини
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)
Қимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ИШОНЧ» (нашр номи) 64561 (нашр кўрсаткичи)
газетасига ОБУНА
обуна сонини
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)
Қимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64560
п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)
«ИШОНЧ» (нашр номи)
обуна баҳоси обуна сонини
янги манзилга юбориш баҳоси сўм
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)
Қимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64561
п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)
«ИШОНЧ» (нашр номи)
обуна баҳоси обуна сонини
янги манзилга юбориш баҳоси сўм
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)
Қимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



Ўтган йили октябрь ойининг бошида Беларус республикаси касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюришган эди. Меҳмонлар бир ҳафта давомида республикамиз вилоятларига сафар қилди, касаба уюшмалари ҳаёти билан яқиндан танишгандилар, бир қатор меҳнат жамоаларида, «Чимён» дам олиш зонасида бўлгандилар. Ҳар иккала мамлакат касаба уюшмалари Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган шартнома имзоланган эди. Мазкур ҳужжатга биноан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида борди-келдини мунтазам йўлга қўйиш, делегациялар йўллашга келишилганди. Шу боис

ларимиз касаба уюшмалари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳақида гапирди. Нотик Беларус мамлакатининг меҳнаткашларининг бугунги аҳволи, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг тутган ўрнини тавсифлаб берди. Шу билан бирга Россияда кечаётган мудҳиш воқеалардан белорус халқи гоё ташвишланаётганини билдирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов ўз нутқидан мамлакатимиз касаба уюшмаларининг бозор иқтисодига ўтиш давридаги фаолиятларини

Делегация аъзолари Минскдаги «Луч» деб номланган соат заводининг ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар. Бу корхона жаҳондаги 17 давлат билан шартнома тузган. Маҳсулотнинг 70 фоизи хорижга сотилади. Завод жамоа мулкига айланган, давлат тасарруфидан чиқарилган. Акционерлик жамиятига аъзо. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Т. Г. Қирпиленкова акционерлар жамияти раёсатининг аъзоси этиб сайланган.

Меҳмонлар Нарач шаҳрига борганларида бу ердаги 1200 ўринли санаторий-профилакторийда ҳам бўлдилар. У ерда дам олиб соғлиғини мустаҳкамлаётганларга яратилган шартшароит, муолажа даражаси ниҳоятда устунлигидан мамнун бўлдилар. Бу сўхатгоҳни «Белорус профстрой» бирлашмаси бунёд этган. Бу қурилиш ташкилоти касаба уюшмалари учун уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, халқ таълими иншоотлари қуришга ихтисослашган экан.

Минск трактор заводидаги учрашувда Тошкент трактор заводи билан ўзаро ҳамкорлик қилишга келишилди. Шу йилнинг охирларида минский тракторсозларнинг вакиллари Тошкентга ташриф буюрадиган бўлишиди.

Минск вилояти касаба уюшмалари кенгашида бўлган мулоқотда туман, шаҳар, тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларининг вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Улар Ўзбекистон мамлакатидеги барқарорлик, осойишталикка ҳавас билан қараётганликларини айтиб, Президент И. Каримов олиб бораётган тинчлик сиёсатидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Алламуродов, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О. Ш. Сафоев йиғилганларнинг қўллаб-қувватлашга жавоб қайтардилар. Делегация аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Хабарлар МАҒЗИ



● **РЕСПУБЛИКАДА** биринчилардан бўлиб пахта топшириш режасини бажарган Бухоро вилоятининг Олот тумани ва Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани колхозчиларига, совхоз ишчилари, саноат ходимлари ва барча меҳнаткашларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрикнома йўллади.

● **ФРАНЦИЯ** Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан, шу йилнинг 27—30 октябрь кунлари Республикаимиз Президенти И. А. Каримов Францияга ташриф буюради.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Уильям Райли бошчилигидаги Халқаро молия корпорацияси делегациясини қабул қилди.

● **ЛОТИН** ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилди.

● **СИРДАРЁ** вилояти кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида Б. Маҳмудов вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. «Ўзсувқурилиш» концерни раиси бўлиб ишлаб келган Ғ. Ҳасанов Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

● **ТОШКЕНТДА** Марказий Осий республикалари ижтимоий таъминот вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат университетининг маданият саройида «Соғлом авлодкажагимиз» мавзусига бағишланган республика конференцияси бўлиб ўтди.

ЖАВОБ ТАШРИФИ БИЛАН

яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси жавоб ташрифи билан Беларус республикасида бўлди. Федерация кенгаши раиси Б. А. Алламуродов раҳбарлигидаги делегация таркибида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О. Ш. Сафоев, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси О. Й. Абдуллаева, Тошкент трактор заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Саъдуллаев бор эди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар қардош республика бўйлаб сафар қилдилар. Касаба уюшмалари ҳаёти билан қизиқдилар, хусусий жамоа ҳўжаликларининг бирида, соат заводида, соғломаштириш масканларида бўлдилар. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Ўзбекистонлик меҳмонлар билан учрашув бўлди. Унда кенгаш раиси В. И. Гончарик мамлакат-

таърифлаб, улар меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг касаба уюшмаси фаоллари билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган кўрсатмаларига таянаётганликларини далиллар билан асослаб берди. Ўзбекистонда ислохотларнинг амалга оширишнинг Президент олға сурган беш тамойиллари барча учун, жумладан касаба уюшмалари учун ҳам дастуриламал бўлаётганлигини айтди. Б. А. Алламуродов мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи барча давлатлар халқи қатори Ўзбекистон халқи ҳам Россиядаги қонли воқеалардан таассуфда эканлигини билдирди. Делегация раҳбари асосий эътиборни Беларус Республикаси касаба уюшмалари билан ҳамкорликни тобора ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратди.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Ишонч» бир йилда 52 марта чиқади. ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм. (нашр кўрсаткичи — 64560)

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ БИР ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ 9888 сўм қилиб белгиланди. (нашр кўрсаткичи — 64561)

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилди.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғази.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилди.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғази.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаи бўлади ва уни бевосита, ўзининг вакиллари — депутатлар корпуси орқали амалга оширмакда. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайловлар гоёат муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг қонунчилик фаолияти мустақил давлат қарор топишини ҳар жиҳатдан ҳуқуқий таъминлашга қаратилганлиги учун ҳам олий қонунчилик орган — Олий Мажлисга депутатлар корпуси қандай ҳуқуқий асосларда сайланишига кўп томондан боғлиқ бўлади.

Яқин ва узоқ хориж сиёсатшунослари ёш Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқнинг кўпгина республи-

халқ депутатларини сайлаш дунёдаги кўпгина мамлакатларда фойдаланиладиган барча тартиблар, ташкил этиш ҳамда механизми таърифлаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Декларациясига ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари юзасидан халқаро шартномаларга тўла мос тушишини ҳам кўрсатиб ўтиш муҳимдир.

Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасининг бир қатор моддалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтишни истардим. Сиёсий турмушни ва айниқса республикада партияларнинг сони унча кўп эмаслигини ва улар амалда тенг бўлмаганлигини жамият барча тузилмаларида

ҚОНУНИ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ШАКЛЛАНТИРАДИ

каларидан қонунлар чиқариш ижодкорлигида устулик қилаётганлигини, давлат бошқарувининг янги янада замонавий ҳамда самарали тизминини шакллантиришда давлатнинг самарали фаолият кўрсатиши учун гоёатда муҳим бўлган қонунларни қабул қилишда илдамлаб кетганлигини бир овоздан таъкидлаётдилар. Ана шундай қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳисобланади.

Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги умумхалқ муҳокамасига қўйилган Қонун лойиҳаси аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ бўлса керак. Бироқ бир нарсани таъкидлашни истардимки, Олий Кенгаш — парламентга сайловлар тўғрисида баъзи бир республикаларда қонун йўқлиги катта қийинчиликлар келтириб чиқараётди, чунки Олий Кенгашга сайловлар ўтказиш тўғрисидаги мавжуд қонунлар Совет ривожланган жамият даврида, тоталитаризм, шахсга сиғиниш шаронтида қабул қилинган эди. Улар жамиятдаги содир бўлган демократик ва бошқа ўзгаришларни эътиборга олмаганлиги табиийдир.

Ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлиши, айниқса қонун чиқаришда эса муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Республиканинг асосий қонуни — Конституция, Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ўз вақтида қабул қилинди, мана энди эса парламент сайловлари ўтказишдан анча илгари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинди.

Қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги тақдим этилган қонун лойиҳаси халқаро стандартларга ва қонун чиқарувчи ҳокимият тузилмаси — парламентга сайловлар ўтказишда жаҳон ҳам-жамиятининг тўплаган тажрибасига тўла жавоб беради. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида мамлакат олий қонун чиқарувчи органига кўп партиялик асосида ҳудудий округлар бўйича депутатлар сайланади.

Қонун лойиҳаси мазмуни ва тақлиф этилаётган Олий мажлисга сайловлар шартлари бўйича ҳам чуқур демократикдир. Олий Мажлисга сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз бериш асосида ўтказилади.

Қонун лойиҳасида насл-насаби, ижтимоий ва мулкӣ аҳволи, қайси ирқ ва миллатга мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти турли ва хусусияти, этники, шахсий ижтимоий мавқега қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёки сайлов ҳуқуқининг бузилишига йўл қўймамаслига эътибор қаратилганлиги жуда муҳимдир.

Қонун лойиҳасида Олий Мажлисига

микдори ва вакиллиги бўйича ва ҳоказоларни назарда тутиб, шунингдек халқ депутатлари Кенгашлари жойларда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ваколатли органлари ҳисобланишини эътиборга олинган бўлса, унда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатишда бир томонлама шароит яратилиб қолинади. Олий Мажлисининг ўзи эса бир партия ва давлат тузилмасидан шаклланиб қолади. Ана шундай ҳолатга йўл қўймамаслик ва депутатликка номзодларини кўрсатиш жараёни кўпроқ демократик бўлишига эришиш учун қонун лойиҳасининг 22-моддасига «Сиёсий партияларнинг олий раҳбар органлари» деб бошланадиган иккинчи сўз бошисига «раҳбарлари» сўздан кейин «қасаба уюшмалари, ёшлар ва маҳалла ташкилотлари» қўшилиб, кейин матн давом эттиришини тақлиф қиламан.

2-модданинг сўнгги сўзбошисидаги жумладан «ўзга тарзда» сўзларини тушириб қолдириш, «бевосита ёки билвосита» сўзларидан кейин «шунингдек бошқача ўзгача чеклашлар тақиқланади» сўзларини қўшиш лозим.

10-моддани қуйидагича тўлдиришни тақлиф этаман: «сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосарлари бирон бир сиёсий партияларнинг ва ҳаракатларнинг аъзолари бўлишлари мумкин эмас».

11-моддада Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий комиссия ваколатлари 14-бандида аризалар ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш, 15-бандида қонуннинг бузилишлари тўғрисидаги материалларни прокуратурага ошириш ҳақида боради. Муддатларни белгилаб қўйиш керак. Олинганидан кейин 10 кун давомида ёки кўриб чиқишга ажратиладиган муддат кўрсатилиши лозим.

25-моддада Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг мажлисларида сўзга чиқишлари, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот материаллари олиш ҳақида боради. «...депутатликка номзодларга» сўзларидан кейин «сайловчилар билан учрашувларда тенг имкониятлар яратиш беришлари ва учрашувларга қўмақлашишлари...» деб қўшимча қилиш керак.

35-модданинг иккинчи сўзбошисидаги «Бюллетенлар» сўзидан кейин «ягона намунада» сўзларини қўшиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси яқин вақт ичида муҳокамадан сўнг республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилиниши шубҳасиздир. Бу ҳуқуқий, демократик, мустақил Ўзбекистон давлатини шакллантиришда олға қараб қўйилган дадил қадам бўлади.

Элбек КАРИМОВ.

Тошкент аграр университети сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, профессор, «Ишонч» газетасининг сиёсий шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили» ҳақидаги қонунни қабул қилинганига анча вақт бўлди. Қонуннинг 5 моддасида қонун қабул қилинганидан 3 йил ўтгач ҳамма жойда мажлислар, йиғилишлар давлат тилида олиб борилиши керак, дейилган. Ана шу қонун моддалари Жиззах вилояти қасаба уюшмаларида қандай бажарилмоқда? Мухбиримиз шундай савол билан вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ташкилий ишлар бўлими раиси Илҳом Исановга мурожаат этди.

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР

— ХОЗИРГИ кунда Жиззах вилоят қасаба ушмалари, туман кўмиталари, бошланғич ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили» ҳақидаги қонунни бажариш бўйича бирмунча ишларни амалга оширмакдалар, — деди Илҳом Исанов, — айниқса вилоят ҳудудидаги қасаба уюшма ташкилотлари ўз мажлис ва кўмита йиғилишларини давлат тилида олиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Тизимимиздаги 7 та вилоят кўмиталарида, 41 та шаҳар ва туман кўматаларида, 1400 та бошланғич ташкилотларда иш юритиш, кўмита йиғилишлари давлат тилида олиб борилмоқда. Давлат муассасалари вилоят кўмитаси (раиси Б. Умаров), вилоят йўл қурилиш бошқармаси қасаба уюшма кўмитаси (раиси Б. Худойбердиев), вилоят касалхонаси (қасаба уюшма раиси Е. Ҳамроқулов), санитария-эпидемиология бошқармаси (қасаба уюшмаси раиси Ф. Окбўтаев) каби ташкилотлар бу борада ибрат кўрсатмакдалар.

Давлат муассасалари вилоят кўмитаси иш юритишни давлат тилида олиб бориш учун алоҳида қўлланма тайёрлаб бошланғич ташкилотларга тарқатди. Вилоят йўл қурилиши ва вилоят касалхонаси, санитария-эпидемиология бошқармалари қасаба уюшмалари кўмиталари Давлат тили ҳақидаги қонунни барча идоралар олди-га илиб қўйишган. Бу жойларда алоҳида ўқитувчи тақлиф қилиниб рус забон ходимларга давлат тили ўргатилмоқда.

Бироқ кўриляётган чора-тадбирларга қарамадан бу борада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Вилоятдаги анчагина қасаба уюшма кўмиталарида йиғилишлар, мажлислар, иш юритиш ҳужжатлари давлат тилида олиб борилмаяпти.

Бу масалада «Иржарсовхозстрой» трести қасаба уюшма кўмитаси (раиси Н. В. Бондин), «Мирзачўл совхоз

қурилиш» трести қасаба уюшма кўмитаси (раиси Л. П. Патрасенко), Мирзачўл туманидаги кўпчилик корхона ва ташкилотларда жиддий ўзгариш сезилмаяпти. Вилоят алоқа бошқармаси, Вилоят банки, Мирзачўл туманидаги 3-автокорхона қасаба уюшма кўмиталарида давлат тилидан фойдаланиш ёмон аҳволда.

Жиззах шаҳар матлубот жамиятида (қасаба уюшма кўмитаси раиси Е. Сахнова) 211 киши ишлайди. Шундан 11 нафари рус миллига мансуб кишилардир. Аммо бу ерда иш юритиш ҳамон рус тилида олиб борилаяпти. «Иржар» давлат хўжалиги қурилиши трести қасаба уюшма кўмитаси раёсати таркиби 7 кишидан иборат, лекин улар рус ва немис милли вакилларида иборат бўлиб қолганлиги кишини таажжублантиради.

«Жиззахчўл қурилиши» бошқармасига қарашли нон комбинати, вилоят статистика бошқармаси, Пахтакор шаҳридаги 7 ва 112, Мирзачўл туманидаги 21-автокорхоналарда давлат тилида ўқитиш, давлат тилида иш юритиш, давлат тили ҳақидаги қонунни тарғибот қилиш кониқарсиз ташкил этилган.

Мирзачўл, Пахтакор, Дўстлик туманларидаги клубларда русча кўргазмалар қурулган, кутубхоналарда эса рус тилида ёзилган китоблар сақланмоқда. Ўзбек тилидаги китоблар эса озчиликни ташкил этади.

Қасаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгаши раёсатида Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақидаги қонун вилоят қасаба уюшма ташкилотларида қандай бажарилаётганлиги масаласи кенг муҳокама этилиб йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Қасаба уюшмаларида «Давлат тили» ҳақидаги қонунни бажаришни таъминлаш топширилди.

Сухбатдош: Алибой ЭРГАШЕВ.

ОНА ТИЛИМ—ДОНО ТИЛИМ

БИР сайёҳ узоқ сафардан қайтганидан сўнг дўстлари ундан «Сен узоқ ўлкаларда юргангидан нималарни соғиндинг», — деб сўраганларида сайёҳ: «Она тилимни», — деб жавоб берган экан. Бу сўз замирида она-Ватанга, она тилимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат мужассам эмасми? Жаҳонгашта сайёҳ узоқ ўлкаларда юганида ҳам ўз она тили ва ўз она Ватанининг меҳри билан яшади. У қай юртларга бормасин, кўз ўнгидан сержило она тилимиз бир дақиқа бўлса-да нари кетмади.

Ўзбек тили бизнинг жонажон тилимиз. Бу тилда бобомиз А. Навоий XV асрдаёқ улкан асарлар яратгани, ижодининг гули бўлиши «Хамса» асарини ўзбек тилига, қолаверса, ўзбек халқига билдирган чексиз меҳр-муҳаббатининг меваси, деб билгани ҳаммамиз-

га маълум. Озарбайжон фарзанди Максуд Шайхзода ўзбек тилини ўрганибгина қолмай, бу тилда ўлмас асарлар яратди ва ўзбек халқининг урф-одатларини, тилини эъзозлашимиз ва ўрганишимиз керак, — деган гоёни илгари сурди.

Ҳа, ўзбек тилини эъзозлаш, уни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш биз талабаларнинг энг асосий бурчимиздир. Ўзбек тили бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган битмас-туганмас гавҳардир. Ўзбек тили руҳимизга, қалбимизга эзулик нури билан тарқалади. Меҳрибон ва мунис онайзоримиз бешик бошида қоратунни оппоқ тонга улаб айтган аллани ёдимизга солади. Албатта алоқа воситаси бўлган рус тилига муҳаббатимиз хамиша чексиз бўлган. Биз рус тилида ўзимиз-

да яратилган ва ўзга халқлар тилидан таржима қилинган бой ижодий меросни ўрганишимиз керак. Чехов, Горький, Толстой, Маяковский тили. Лекин давлат тили бўлиши ўзбек тилини ўрганишини, тил ҳақидаги қонунга риоя қилишни унутмаслигимиз керак. Ўзбек тилининг сержило ва серкирралигини йўқотмаслигимиз зарур. Ўтмишда бизгача етиб келган маданият, тарихий меросни тил қарвони ўз зиммасига ортиб келди. Келажакка ҳам бизни шу қарвон элтади. Агар тил унутилса, миллий адабиёт, миллий санъат ҳам унутилади. Ушбу хусусиятлардан маҳрум бўлган халқни ҳеч ким халқ деймайди ва ардоқламайди. Шундай экан, ўз тилимизни хамиша эъзозлалик.

Зулфия ИМОМХУЖАЕВА,
ТошДУ I курс талабаси



● **АДАБИЕТИМИЗНИНГ** навқирон намоёндаси, истеъдодли адиб **Ҳайридин Салоҳ эллигинчи йилларда адабиётга лирик шоир сифатида кириб келди. Ҳайридин Салоҳ 1934 йилда Тошкентда туғилган. У ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ шеър машқ қила бошлади.**

Ҳайридин Салоҳнинг ҳали талабалик йилларидаёқ биринчи шеърлар тўплами «Чашма» босилиб чиқди ва китобхонлар томонидан яхши баҳоланди. Шундан кейин «Иккинчи имтиҳон» (1961), «Ишқим ва рашқим» (1969), «Тугён» (1963), ўлимидан кейин эса «Излар ва ҳислар» (1974), «Оҳу» (1979), «Лирика» (1985) каби қатор манзумалари эълон қилинди. Унинг айниқса, жангчи шоир Султон Жўра ҳақидаги «Янроқ ҳаёт» достони кўтаринки руҳда ёзилган. Бундан ташқари шоирнинг «Тошкент билан суҳбат», «Лайло», «Наъматак» каби лирик дostonлари ватан, ёшлик, муҳаббат мавзусига янгилик олиб киргани ҳеч кимга сир эмас.

ЎШАНДА еттинчими, саккизинчи синфда ўқирдик. Тошкентдаги Калинин тумани кашшофлар уйи қошида тузилган адабиёт ва драма тўғаракларига қатнашар, унча-мунча шеърлар ёзишга ишқибозлигимиз бор эди. Қарга қўлимизни узатсак етади, деб ўйлардик. Ҳатто адабиёт муаллимларимиз ҳам адабий кечалар ўтказишда биздан маслаҳат, у бу китобларни топишда ёрдам беришимизни сўрайдиган бўлиб қолишганди.

Бир куни катта танаффус пайтида Кашшофлар уйи муаллими Шораҳим Салимов йўқлаётганини айтишди. Югуриб борсам, Шораҳим аканинг оғзи қулоғида: «Шавкат, эртага дарсдан кейин ўртоқларингни тўпла, шоир Ҳайридин Салоҳ адабиёт тўғаракига раҳбар бўлиб келади. У киши машҳур шоир! — деди.

Ҳақиқий, машҳур шоирни кўришнинг ўзи бахт эди биз учун. Вақт эса

шунақанги имиллаб ўтардики...
Ниҳоят, интиқ бўлиб кутган дақиқа-



ларимиз келди. Ҳайридин ака кўришидан тортинчоқ, мулойим, соддагина экан. Қишлоқ болалари билан аксари катталар сенсираб гаплашишарди. Ҳайридин ака эса, ҳаммамига сизлаб мурожаат қилар, ўзини биз ўсмирлар билан тенгдошдек тутар эди.

Ҳатто, дам олиш пайтларида бирга футбол ўйнашдан ҳам тортинмасди.

Ҳайридин Салоҳ ва унинг шеърлари деганда, табиатнинг бир лаҳзалик манзараларикелади кўз олдимга. Унинг шеърларини ўқиганимда шамоллар беланчагида чарх урган барги-хазон, ир-

моқларнинг гулдираши-ю, сайроқи кушларнинг тинимсиз чуғур-чуғури,

майсаларнинг майин тебраниши, тоғларнинг виқорли салобати, водийларнинг маҳобатли ва такрор билмас гўзаллиги саф тортиб кўз ўнгимдан ўтади...

Ҳайридин Салоҳнинг шеърлари назаримда табиатнинг бир қисми, ажралмас бўлаги ёки унинг суратларидир.

унинг нигоҳидан ўтказиб олишга ошиқардик. Уғурмашқларимизни тузатишдан эринмас, сабр-тоқат билан нозик-нохол шогирдларини асраб-авайлар, уларнинг тезроқ воёга етишини интиқлик билан кутарди. Ахир, у эндигина 29 ёшга кирган бўлсада, ўзининг дилрабо шеър ва дostonлари билан шеърят муҳлислари қалбини забт эта олган навқирон шоир эди-да!

Ҳайридин Салоҳ шеър ўқиганида овози тўлқинланиб, ҳаяжондан табиий титроқ оҳанги баралла сезилиб турарди. Ана-шу оҳанг замирида тоғлар виқори, барглар шивири, еллар саси элас-элас эшитилиб турганга ўхшарди.

Ҳайридин аканинг «Кийик» номли шеъри бор. Ана шу шеърда шоир ўз қисматини кўргандек, унга муносабат билдираётгандек туюлаверади:

Ху... Оҳу қайгадир кетди тез учиб,
Қоя маънос қолди қалби увишиб...

Мана йигирма тўрт йилдирки, Ҳайридин ака орамизда йўқ, Ахир, у атиги 35 йил умр кўрган эди, холос. Унинг шеърлари, кўшиқлари, баллада ва дostonлари, жажжи хикоялари ҳамда тугалланмаган «Остона» қиссаси ҳамон қўлма-қўл. Зеро, яхши китоблар ҳаммаша ўлим билмасдир.

Қўнглимда бир ушалмас армон бор. Бўйнимда узилмас қарз бор. Фақат яна бир юпанч... Бу — шукроналик юпанчидир. Бу — Ҳайридин Салоҳ шеърларидан тузилган хиёбондир, унинг ўлим нималигини билмас умри боқий китобларидир.

Шавкат ТУРОБ.

Аёвсиз жабр чекиб изларсиз
илоҳийни,
Ани излашга ҳожат йўқ: илоҳий —
сиз, илоҳий сиз.

ХАР гал Мавлоно Жалолидин Румийнинг ушбу сатрларини эслаганимда, қандай кишиларни илоҳий инсонлар деб аташ мумкин бўларкин, деган кўндаланг саволга рўпара келаман ва шундай кезларда бенхтиёр Башорат Темировани эслаيمان. Ажабки, бу аёлнинг исми-шарифи худди ўзимнинг ҳаёлий саволимга жавобдек ёдимга тушади.

Башорат Темирова. Косондаги одам — маорифчилар ва арабхоналиклар бу номни қандайдир меҳр билан тилга олишади. Чиндан ҳам, Косоннинг Арабхона маҳалласида унинг хурмати, обрў-эътибори, кадр-киммати, мавқеи жуда баланд.

Маҳалла аҳли, айниқса хотин-қизлар унинг маслаҳат ва ўғитларига муштоқлик сезишиб яшаган, муруватларидан, билимларидан, ҳаётий тажрибаларидан, саховатлари-ю ақлзаковатларидан доимо баҳраманд бўлишган. Унинг табаррук қўллари бир умр ёшларнинг пешоналарини силаган, илм зиёси калбларни, онглари ёритган. Шу чокқача кўпчилик томонидан «Башорат опа», «Хурматли Башорат Темирова» деб аталиб келинган ва кўпнинг калбига кўчган бу эъзозли ном эндиликда «Раҳматли Башорат Темирова», деб зикр этилади.

Аламдан келадиган ўқинч ёшлари у кишидан барвақт жудо бўлиб қолганликлари туйғулдан бўлса, шодликдан қуйиладиган кўз ёшлари шундай аёлга бирининг садокатли умр йўлдоши, бошқаларининг меҳрли фарзанд, айримларининг эса, оқибатли қариндош-уруғ, дўсту дугона, ҳамқасб, шогирд, маҳалладош, элдош бўлганликлари фахр туйғусидандир.

Номи кўпчилиكنинг калбларига кўчиб, юрак катларига ўрнашиб, муҳрланиб, уларнинг меҳрларига йўғрилган Башорат Темирова бу фоний дунёда 59 йил умр кўрди. Ҳаётидаги энг ишончли суяничи Бозор Ғиёсов билан умргузаронлик қилган қирк йил давомида олти фарзандга оналик қилган.

Башорат Темирова чин маънода жасоратли, жўшқин, фидойи аёл бў-

либ, Косонда хотин-қизлар ўртасидан етишиб чиққан биринчи олий маълумотли муаллима эди. Чиндан ҳам, бундан ўттиз икки йил бурун ўрта мактабни битирганидан сўнг яна ўқишга киришни ихтиёр этиш, бу хусусда ота-онага сўз қотишга журъат этиш Арабхона қишлоғи кизлари учун катта жасорат эди...

Шундай қилиб, Қаршидаги Ҳамид Олимжон номли муаллимлар тайёрлаш олий мактабининг химия ва биология бўлимида таҳсил кўриш шарафига мушарраф бўлган Башорат Те-

ги ўзи раҳбарлик қилиб, ўзи ташкил этган химия-биология хонаси, лаборатория, тўғарак ва яна химия-биологияга оид бир қатор ишлар, хотин-қизлар хонаси Башорат Темировадан ёдгорликдир.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда Арабхона маҳалласида истикомат қилишаётган 6646 нафар аҳолининг қарийб олти миш фоизи Башорат Темировани ҳақли равишда ўзларига устоз деб билишади. Йиллар давомида муаллимадан сабоқ олишган Арабхона фарзандларидан бугунги кунда



мирова муаллималик фаолиятини 1955 йили Арабхона қишлоғидаги Будённий номи билан аталувчи ўрта мактабда ишлашдан бошлаб, умрининг охиригача, ўттиз етти йил шу мактабда фаолият кўрсатди. Фаолият кўрсатганда ҳам, ўта фаол, қоникарли, мактовли, ибратли, жўшқин хизматлари, чин инсонийлик хислатлари билан ҳамма-ҳамманинг меҳрини қозонишга, эъзозига, олқишига сазовор бўлди, ўзидан яхши от, одамлар тасавурида ўчмас хотира қолдирди.

Шу мактабнинг оддий ўқитувчилигидан мактаб директори вазифасигача кўтарилган Башорат Темирова Арабхона маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раисаси сифатида жуда катта ибратли ишларга бош-қошлик қилди. Ҳозирги кунда Арабхона маҳалласининг қарийб 800 нафар ўғил-қизи таҳсил кўраётган 536 ўринли икки қаватли янги мактаб биноси, мактабда-

11 киши зоотехник, 9 киши муҳандис, 8 киши зироатчи, 13 киши шифокор, 19 киши савдо ҳодими, 3 киши фан номзоди, 6 киши Косон шаҳар ва бир киши Қашқадарё вилоят Кенгашига ноибдир. Неча юзлаб кишилар маҳсуслик ва ўрта маълумот бўйича турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

Бир мактабда, энг оғир ва мураккаб шароитларда ўттиз етти йил намунали фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси унвонига сазовор бўлган Башорат Темированинг ёшлар таълим-тарбиясига бахшида хизматлари ўз вақтида эътиборга олиниб, муносиб тақдирланган. «Шавкатли меҳнати учун», «Республика мусобақаси ғолиби» нишонлари, Ўзбекистон халқ таълими вазирилик, Қашқадарё вилоят партия кўмитаси, вилоят ижрокўми, вилоят халқ таълими бўлими, вилоят қасаба уюшма кўмитаси, Косон тумани фирқа кўмитаси, туман ва шаҳар ижрокўми, шаҳар

халқ таълими бўлимлари томонидан икки-уч мартадан берилган фахрий ёрликлар, мактов қоғозлари, ташаккурнома ва раҳматномалар Башорат Темированинг хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Арабхона аҳолиси, хусусан, Башорат Темирова билан бирга ишлашган муаллималардан Бибикиз Мўминова, Норбиби Курбонова, Гулсара Назарова, Арабхона маҳалласида яшовчи Тўйчи Гулжонов, «Нур» кичик корхонаси раҳбари, фан номзоди, муаллиманинг энг садокатли шогирдларидан Бозор Чўлиевларнинг таъкидлашларича, ўтган ўттиз етти йил мобайнида Арабхона ёшлари илм олиш, касб танлаш, маълумотли мутахассис бўлиш, ибратли она тебратиш, ақл, одоб, тарбия, ахлоқ хусусида қанчалик камолатга эришган бўлсалар, ҳамма-ҳаммасида Башорат Темированинг ҳиссаси, фидойилиги катта бўлган экан.

Ҳақиқатдан ҳам Башорат Темированинг номи мангуликка, абадийликка даъддордир. У кишининг чироғи ҳаммаша ёниқ, ўзи билан бир сафда туриб ишлаб келган, қолаверса, ана шу Будённий номи билан аталган мактабда 26 йил директорлик қилган ва айни пайтда Арабхона маҳалла кўмитасининг раиси сифатида фаолият кўрсатаётган Бозор Ғиёсов, фарзандлари — олий маълумотли қоракўлчилик мутахассиси, «Насаф» давлат хўжалигининг ҳодими Мухиддин, олий маълумотли иктисодчи-муҳандис, Косон ёғ-мой заводи ҳодими Илҳом, маҳсусл маълумотли савдо ҳодими Зафар, кизлари — Саодат, Шоҳра, келинлари — Махфират, Гулчехра, Роза, куёвлари — Эшпўлат, Йўлдош ва ўн саккиз невараси ҳамда юзлаб садокатли шогирдлари Башорат Темированинг давомчилари, ўчмас чирокларидир. Шоир:

Мен халқимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганининг тилагида яшайман...

деган сатрларини битганида Башорат Темировага ўхшаш жасоратли, фидойи, жўшқин аёлларни ҳам назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ҳа, Башорат Темирова халқининг юрагида яшашига жой топган ва топа олган инсонлардан бири.

Нормамат ТОҒА.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ равнақи фаровон турмуш, маънавий соғлом муҳитга, инсонлар одобига, маънавий камолотига, юксак дидига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги шу бугунги кунда барчага аён-дир. Шукроналар бўлсинки, мана мустақилликка эришдик. Натижада маънавиятимизни, қадриятимизни, миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни энг муҳими ўзлгимизни аниқлаб етишимизга чексиз имкониятлар туғилди. Инсоннинг ҳулқи, одоби, ахлоқи унинг келажакдаги бахтини, жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки, инсоннинг гўзал ахлоқи ҳақида фикр юритилганда, аввало уларнинг одамийлик, меҳнатсеварлик, виждон, ирода, камтарлик, самимийлик, поклик, тўғрилик, ғамхўрлик, дўстлик, имон-этиқоди каби юксак фазилатлари кўз олдимизда гавдаланади. Чунки бу гўзал фазилатлар инсоннинг инсон сифатида шаклланишига, баркамол бўлиб етишишига асосий мезон ҳисобланиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ақл фаросатнинг, инсоний ахлоқ ва гўзал фазилатларнинг, қисқаси маънавий камолотнинг моддий бойлик сингари килограмми, нархи йўқ, сотиладиган бозори, магазини, тижорати йўқ. Зеро ақлу фаросатдан, инсоний ахлоқ ва фазилатдан маҳрум бўлган кишилар давлатнинг, жамиятнинг, қолаверса оиланинг оғир қисмати эканлигини ҳар биримиз тўғри тушунмоғимиз, ўқиб ўрганмоғимиз лозим. Ахлоқи паст киши жамиятга фақат зарар келтиради. Яхши ахлоқли киши инсоннинг энг яхши хусусиятларини, яъни у, халқпарварлик, ҳақиқий дўстлик, келажакка ишонч, мустақкам ирода, тadbиркорлик, ватанга содиқ бўлиши шарт. Мустақиллик тарбиячилардан уддабурон, тежамкор, ҳозиржавоб, бирни ўн қила оладиган, яхши ҳулқли, одобли, диёнатли, эътиқодли мутахассисларни етиштириб бериш вазифини талаб этади. Бунинг учун биз энг аввало дунёга донғи кетган, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган боболаримиз қолдирган маданий меросга амал қилиб, дунё эришган умумбашарий маънавиятларни, қадриятларни ўқиб, ўрганиб олишимиз ва унга амал қилишимиз лозим. Ҳар қандай миллий мутафаккир, олиму аллома ёлғиз ўзигина буюк тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки янги авлоднинг майдонга келиши жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслиги керак. Навоий ўз халқини ва ўз Ватанини севиб, уларни бахтиёр қилишга интилиш билан бирга бошқа халқларни ҳам тинч-тотув, бахтиёр яшашларини орзу қилган. Жамият, ҳаёт санъатсиз бўлса ўз жозибасини йўқотиб қўяди, ўлик, яланғоч бўлиб қолади.

Санъат ва адабиёт ижтимоий ёвузликка қарши курашда, мамлакатни яшнатишда, бойитишда, маънавий поклашда одамларни олийжаноб руҳда тарбиялашда, жамиятни тараққий қилдиришда улкан аҳамиятга эгадир. Санъаткорлар турмушининг бирон томонини, жиҳатини тасвирлаган вақтларида бу тўғрида ўз фикрларини, ўз ҳукмларини беришлари зарур, токи кишилар шу тасвирланганлар тўғри-сида аниқ бир фикрга кела оладиган ва шу тасвирланган нарсаларга ўз муносабатларини аниқ билдира оладиган бўлсинлар. Улар ҳақиқатдан ҳам турмушдаги ёмон, зарарли нарсаларни яхши, фойдали нарсалардан ажратиб оладиган ва шу яхши, фойдали нарсаларни ҳимоя қилиб, ёмон ва зарарли нарсаларни йўқотиш учун кураш олиб борадиган бўлсинлар. Биз кураётган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат шундай бир жамиятки, унда ҳамма бир-бирини тўла равишда ҳурмат қилиши, бир-бирини тушуниши, жамият аъзолари ўртасида уйғунлик туғдириши қонун тусини олади. Мана халқимиз улғу сана — республикаимизнинг мустақилликка эришганлигининг икки йиллигини катта байрам сифатида нишонлади. Утган қисқа вақт ичида иқтисод соҳасида ҳам, сибсатда ҳам, буюк халқимиз маънавий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди ва содир бўлмоқда. Сир эмаски, ишлаб чиқарувчи куч-

ларнинг юксалиши, техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнатқашларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўз-ўзини бошқариш демократик асосларни ривожлантириш, турмушни фаровон асосда қайта қуриш кўп жиҳатдан аҳолининг маданий ўсишига, маънавий даражасига боғлиқдир. Маданиятни юксалтириш фақат кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ахлоқ-одоб кўникмаларини тарбиялаш, бўш вақтини соғлом ва қизиқарли қилиб ташкил қилиш учунгина зарур бўлиб қолмай, аввало, бутун ҳаётни, унинг моддий негизларидан бошлаб токи жамиятнинг онги ва руҳиятига қараб, ишлаб чиқаришдан тортиб то маиший хизматга қадар бутунлай



МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

қайта қуриш учун зарурдир. Бугунги кунда халқнинг маданий ривожини мустақиллик учун зарур, шу билан биргалликда бу жараён кишиларимизга олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилиш учун куч ва ишонч бағишлайди. Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодни ривожлантирмай туриб, жамиятнинг барча аъзоларида ахлоқий савияни ва онгликни юксак даражага кўтармай туриб, мустақилликни мустақкамлаб бўлмайди. Инсон мустақилликка эришганида эришмай туриб, гўзалликка бўлган эҳтиёжларини қондирмай туриб, ғоят бой ва хилма-хил ҳаёт кечинмаларига эга бўлмай туриб, тўла маданиятга ҳаёт кура олмайди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, моддий эҳтиёжларни қондириш инсоннинг бирдан-бир мақсади бўла олмайди — бу фақат бир восита. Инсон меҳнат қилади, у тўқ, уст-боши бут, турар жойи бор, қисқаси моддий томондан камчилиги йўқ. Лекин шунинг ўзи етарлими? Албатта йўқ. Инсон меҳнат ўзига завқ бағишлайдиган бўлишини, ўзи меҳнат қиладиган шароитнинг гўзал бўлишини, истеъмол қиладиган овқати хушга бўлишини, яхши кайфият туғдирадиган шароит (бино идриш-товоқ ва бошқалар) яратишини, ўз кийимлари ва уй-жойлари фақат қулайгина эмас, кўзни қувонтирадиган даражага етишини хоҳлайди. Шунингдек, у бошқа кишиларнинг қўли билан яратилган бойликлардан, аввало санъатдан баҳраманд бўлишга эҳтиёж сезади. Айниқса, ҳозирги мустақиллик шароитида гўзалликдан баҳраманд бўлиш, гўзалликни яратиш ҳар бир киши учун мумкингина эмас, балки зарурат ҳам бўлиб бормоқда. Биз қандай ўрнакларга эришсак санъат ва адабиётнинг қандай асарларидан илҳомлансак — шунчалик қувонамиз. Ўзбек халқи дунё маданияти, умумбашарий маънавият сафларида туриб, қадим-қадимдан жаҳон маданиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. У инсоният оламига жуда кўп машҳур арбобларни — фан, фалсафа, адабиёт, санъат ижодчиларини етказиб берган. Бу арбоблар инсоният маданиятининг ҳамма соҳаларида янги, юксак босқичларга эришдилар, маданиятнинг ҳар бир соҳасини илгари силжитдилар, ўз заковатларининг тенги йўқлиги ва равшанлиги билан инсоният оламини ҳайратга солдилар. Урта Осиё халқларининг мусиқа маданияти тарихига доир қадимий ёзма манбаълар ва археологларимиз томонидан топилган ёдгорликлар бунинг далили бўла олади, шу билан бирга ўзбек халқи-

нинг қанчалик юксак маданиятга эга бўлганлигини тасдиқлайди.

Ал Фаробий, Ибн Сино, Ал Хоразмий каби кўплаб олимлар мусиқа назарияси бўйича ҳам илмий асарлар яратган ва Шарқ мусиқа фани тараққиёти тарихида ҳам бутун бир давр очиб беришган. Ал Фаробий ўзининг мусиқага бағишланган рисолаларида («Китоб-мусиқий ал кабир» — мусиқага доир катта китоб, «Киламу фил — мусиқий» — мусиқанинг услублари ҳақида китоб, «Китобул — мусиқий» — мусиқа китоби ва бошқалар) шарқ мусиқа назариясини ҳар томонлама асослаб берди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ал Фаробийнинг мусиқа назариясига бағишланган асарлари Шарқда бу

этилган бўлиши керак. Акс ҳолда, замонавий санъат тараққиётининг мурраккаб хусусиятларини, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларини, миллий мафқурани шакллантиришни нотўғри талқин этиб қўйиши мумкин. Чиройли, кўзни қамаштирадиган, кишини ҳайратга соладиган тақинчоқларни тақиб юриш мумкин, аммо буларнинг барчаси кимнингдир оғир меҳнати эвазига яратилишини унутиш, сенга яқин кишиларнинг моддий ва маънавий ижодий истироби эканлигини тан олмаслик одобсизлик ва ҳунуклик нишонасидир. Ешларнинг бадий дидини ўстириш, эстетик маданиятини равнақи ҳақида қайғуриш, кишининг ҳар томонлама уйғун тараққий этган инсон бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуриш, мустақил Ўзбекистонни миллий мафқурасини яратиш ҳақида куйиш-ёниш бугунги куннинг долзарб вазифинидир. Демак, эстетик тарбия умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масала экан. Шунинг учун айниқса, ўқитувчилар зиммасига жуда катта вазибалар юкланади. Чунки улар минглаб талабаларнинг эстетик маданиятини тўғри йўлга солишларда катта масъулият эгасидирлар. Афсуски, айрим олий ўқув юртларида ва ўрта мактабларда эстетика фанидан дарс берувчиларнинг ўзлари тарбияга, эстетик маданиятга муҳтожлар, институтларда эстетика дарси бугунги кун талаб даражасига етмаган. Бунга асосий сабаб мутахассисларнинг етишмаслиги, фалсафий маълумотга эга бўлган, эстетика фанини чуқур эгаллаган ўқитувчиларнинг камлиги, баъзи олий ўқув юртларида эса эстетика фанига иккинчи даражали фан сифатида қаралаётганлигининг натижасидир.

Шуниси ачинарлики, айрим жойларда эстетика дарси адабиётшунослар, ҳаттоки тарих ёки бошқа фан ўқитувчиларига топшириб қўйилган. Оқибат натижада инсоннинг ҳаётга эстетик муносабати ва бу муносабатнинг олий кўриниши бўлган санъатнинг фалсафий илдизлари очилмай қолади. Қисқа қилиб айтганда эстетика инсон ҳаётининг, фалсафий билимларнинг, санъатнинг билимдони бўлишини унутиш зарурлигидир.

Ҳақиқий инсон — ахлоқан соф, покиза, жисмонан соғлом ва маънавий камолотни ўзида мужассамлантирган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Инсон гўзаллиги даставвал оила аъзоларининг ўзаро олийжаноб муносабатларидан бошланади. Чунки яхши одат ҳам, чиройли ҳулқ ҳам, ёмонлик ҳам, маънавий маданият ҳам оиладан бошланади. Халқимиз, «қуш уясида кўрганини қилади» деганидек, ёш авлод ҳам энг аввало оиласида эшитган, кўрган ва билган нарсаларини ҳаётга тадбиқ эта боради. Шу боисдан боладаги яхши одоб — ахлоқни, фазилатларни, ёмон одатларни ё отадан, ё онадан, ё тарбия муҳитидан қидирмоқ, изламоқ керак. Оила фарзанд гўзаллигини тарбиялабгина қолмай, шу гўзаллик учун жамият олдида жавобгардир ҳам.

Санъат воқеликни образли тарзда акс эттирар экан, санъатдаги бундай тасвирлар ҳаёт ифодаси сифатида инсонларни шу ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатларини кўзлаш билан ҳаётдан лаззатланишга чорлайди. Инсонни бутун жонли мавжудот гавҳари сифатида тараннум этади. Санъат асарларида олға сурилган фикрлар, ғоялар ва ифода этилган бадий тасвирлар инсон кечинмаларининг поклиги ва табиийлигини, инсон маънавий дунёсининг камолотига хизмат қилади. Инсон қанчалик юксак маънавий камолот чўққисига кўтарилган сайин узоқни ва эзгуликни шунчалик кўпроқ кўради ва ҳис қилади. Хулоса қилиб айтганда, юксак маънавий камолотга эришган шахс азиз дунёимизда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни қуришда ва унинг миллий мафқурасини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Алижон ЭРКАЕВ,
Фалсафа фанлари номзоди,
доцент.



18 ДУШАҢБА

УзТВ I
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Болалар меҳмонхонаси». 18.45 «Чингиз Аҳмаров». Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Най навоси». 19—55 «Осойишталик химоясида». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Театр оламида». 21.40 «Булоқлар кўз очганда...». Хоразм вилоятинан кўрсатуви. 22.20 «Тогларнинг гули ўзгача». Телефильм.

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Нафосат оламида». Телефильм. 19.30 «Лаҳза». Хабарлар. 19.50 «Ассалому алайкум». 20.50 «Билиб қуйган айтиш». 21.10 «Лаҳза». Хабарлар. 21.25 «Солдат қисаси». Бадий фильм.

ОРБИТА IV
18.25 «Музограф». 18.45 «Гол». 19.15 «Хужжатлар ва тақдирлар». 19.25 «Харфанинг акс садо». 19.55 «МХАТ мактаб-студияси: кеча, бугун, эртага». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Турмуш икки чиркларни». Бадий телесериал премьераси. 20-серия. 21.55 «Спорт уик-энди». 22.10 «Брэйнинг». 23.00 «Серпантин». 24.00 Янгиликлар. 00.40 «Монтаж». 01.40 «Қинғир-қийшқ эфир». 01.55 «Бомонд». 02.15 «Видео-асс». 02.30 «ТВ-Х».

ДУБЛЬ IV
18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
10 Россиянинг телевизион атраи. 20.50 Мультифильм. 21.00 Душанба кунини дедеквим. «Лаки страйк» таништиради: «Қочоқ» Бадий фильм. «Криминаль ҳодисалар» туркумидан. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 «Ҳақиқат онлари». 23.30 «Хужжатли фильм 24.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Дастлабки якка ҳокимиятчи ҳақида қисса». 00.45 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

19 СЕШАҢБА

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Тонгги концерт. 7.50 «Хом хаёл». Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 «Қувноқ болалар». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 «Уғил бола гап» Бадий фильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Физика. 11.00 «Ешлик» студияси. «Сенинг замондошинг». 11.30 Уқитувчи экран. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Усмирлар учун. «Бурч». 18.35 «Фермер хўжаликларидан». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 «Навойи гулшани». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Концерт. 21.45 «Нюфелет қаерда?». Бадий фильм.

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Уолт Дисней таништиради». Мультифильмлар тўплами. 20.10 «Фанин ойдин йўллари...». 20.45 «Санъаткор В. Баграмов ҳузурда». «ОМАД» таништиради 21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV
6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Доми-солька». 9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 Мовсар Миңцаев куйлайди. 11.15 «Турмуш икки чиркларни». Бадий телесериал. 20-серия. 11.45 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Гол». 12.50 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадий фильм. 11-серия. 14.00 Бадий-публицистик фильм-монографиянинг премьераси (Санкт-Петербург). 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 15.40 «Конверсия ва бозор». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Иш». 16.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.50 «Қаҳрабача-93». Болалар ва усмирлар кўрсатувлари фестивали. 17.10 Янги номлар. 17.50 «Техно-

дром». 18.00 Янгиликлар. 18.25 Телеочерк. 18.50 «Хужжатлар ва «Узмизникилар ва бегоналар». Яқин ҳориждаги мамлакатлар билан Беарусь Республикасининг муносабатлари ҳақида телеочерк. 18.50 «Хужжатлар ва тақдирлар». 19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Жонивор ўлақолсин». Бадий фильм премьераси (Франция). 23.20 «Матбуот-экспресс». 23.35 «1993 йил кўшиқлари». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Ҳақиқат онлари». 12.10 «Ғалати одам». Бадий фильм. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Мактаб ёшидаги болалар учун ўйинлар». Бадий фильм. 15.30 Мульти-пульт. 15.40 «Бола тилидан». 16.10 Кичкинтойлар учун янгиликлар. 16.25 «Рост» студияси. «Тон-лабиринт». 16.55 Санкт-Петербург балети. 17.25 «Арабески». Бирлашган Араб Амирликларига савҳат. 18.00—20.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.05 Мотопоёга бўйича жаҳон чемпионати. АҚШ гран-приси. 21.00 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 21.50 Спорт кўрсатуви. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 «Қазаклар даврасида». 23.40 «Трансросэфир».

20 ЧОРШАҢБА

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Озода гўзал ўлка». Концерт. 7.50 «Сақиз оёқчалар». Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Билиб қуйган айтиш. 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 «Зина, Зинуля». Бадий фильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 Болалар учун. «Сохри оҳанглар». 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби». 18.25 «Фан уфқлари». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Мерос». Ал Бухорий. 20.00 Телефильм. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Хорманг, пахтакорлар!». 22.00 «Сиз кутган дақиқалар». Турғун Азизов.

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қувноқ жилларлар». 20.00 «Спринт». 20.25 «Тошкент: шаҳар юмушлари». 21.25 «02» тўлкинида. 21.45 «Қизни топинглар». Бадий фильм.

ОРБИТА IV
6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Ҳақка». 9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 «Савадо кўприги». 11.00 «Инсон ва қонун». 11.30 «Тингланг, томоша қилинг...». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадий фильм. 12-серия. 13.35 «Анна Фирлинг йўллари». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Телемист». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.40 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм. 17.00 «Қаҳрабача-93». 17.20 «700 клуби». 17.50 «Технодром». 18.00 Янгиликлар. 18.26 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 18.50 «Хужжатлар ва тақдирлар». 19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.00 «Кремль деворлари ортидан». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Останкино химоячилари учун». 23.15 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Лех» (Познань, Польша) — «Спартак» (Москва, Россия). 2-тайм. Танаффус пайтида (00.05) — Янгиликлар. 01.30 «МТВ». 02.30 Шаҳмат бўйича жаҳон биринчилигида. 02.45 «Матбуот-экспресс».

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. 9.10 Христианлар учун кўрсатуви. 9.45 Мульти-пульт. Е. Евтушенконинг иждий кечаси. 10.55 «Маърифат мевалари». 11.40 «Ностальжи» — барча авлодларнинг мусиқаси. 12.10 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 13.00 «Параллеллар». 13.15 «Ҳали англамаган кинот». 13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.10 «Шафак». Бадий фильм. 15.35 Трансросэфир. 16.20 «Телегазета». 16.25 Кичкинтойлар учун янгиликлар. 16.40 «Рост» студияси. «Арт-зона». 17.10 Мульти-пульт. 17.30 «Рус ижозатномаси».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.55 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 20.45 «60 минут». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви. 21.45 Криминал хабарлар экрани. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Клуб». 23.10 «Винил чангалзорлари». 00.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/4 финал. «Айнтрахт» — «Днепр». Германиядан кўрсатилади.

21 ПАЙШАҢБА

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Сўз сеҳридан яралган қадр». 7.50 Мультифильм. 8.00 «Қувноқ болалар». 8.20 Телефильм. 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 «Баҳосиз дарс». Бадий фильм. 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.30 Уқув кўрсатуви. Табиатшунослик. 11.00 «Ешлик студияси». «Талабалик йиллари». 17.00 Футбол. «Пахтакор» — «Чирчиқ». 17.45 Телефильм. 18.00 Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ислоҳот одимлари». 18.40 Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Тилга эътибор». 20.00 Телефильм. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Инсон ва қонун». 21.40 Раҳматжон Курбонов концерти. 22.30 «Кино. Кино. Кино».

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. «Табассум». 19.50 «Хива». Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.15 «Тошкент оқшомлари». 21.30 «Пульс». Хабарлар.

ОМАД таништиради.
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV
6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.10 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Лех» (Познань, Польша) — «Спартак» (Москва, Россия). 11.05 «...16 ышгача ва ундан катталар». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12—20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадий фильм. 13-серия. 13.35 «Анна Фирлинг йўллари». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.50 Мультифильм. 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Телемист». 16.10 «Адам Смит бойлиги дунёси». 16.40 «Ен дафтар». 16.45 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 17.10 «Джэм». 17.40 «...16 ышгача ва ундан катталар». 18.00 — Танаффус пайтида (18.00 — Янгиликлар). 19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 «Россия хроникалари». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Қундузга юлдузлар». Бадий фильм. 23.10 «Миниатюра». 23.25 «Кино талаб қилинади». 24.00 Янгиликлар. 00.40 «Рок-Н-Ролл ТВ». 01.25 «Экстрон-НУЖ». 01.55 «Матбуот-экспресс».

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. 9.15 10.40 «К-2» таништиради. 11.35 «Шаҳарлар». Дам олиш программаси. 12.00 Мульти-пульт. 12.10 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 13.00 «Мушиқа ийрик панда». «Қўнқа куйлар» халқаро фестивали.

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.50 Эдуард Хиль. «35 йилдан сўнг». 20.50 «Киноэфсоналар». Генри Фонда. 21.50 Спорт кўрсатуви. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.30 «Гуноҳ». Бадий фильм. 23.50 «Трансросэфир». 00.20 «Кечки салон».

13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.10 «Дунё аёллари». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси (АҚШ). 1-серия. 14.35 «Қутқариш хизмати 911». 15.30 «Телегазета». 15.45 «Орол ортида бутун Россия». 16.15 Кичкинтойлар учун янгиликлар. 16.30 «Рост» студияси. 17.00 «Жавоблар-ўртоқлар». 17.15 «Кириш ҳовли томондан».

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.10 «Санта-Барбара». Кўп серияли телевизион бадий телефильм премьераси. 21.00 «Мушиқий имтиҳон». 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.30 «Осойишта уй». 00.25 Спорт кўрсатуви. 00.30 «М-трест». 00.45 «Криминал хабарлар экрани».

22 ЖУМА

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 «Қишлоқ стадионларида». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 «Тогдаги гор сирлари». Бадий фильм. 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.30 Уқув кўрсатуви. Кимё. 11.00 «Ешлар фестивали». 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Телефильм. 18.20 «Эл дастурхонига». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Устоз ардоғидаги шогирд». 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Мустақиллик ва қонунийликни ривожлантириш». 21.30 «Хотир». Миртемир. 22.20 «Холодильникда биров бор». Бадий фильм.

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Мушиқий дақиқалар. 19.40 «Ўзбекистон спорти (рус тилида). 20.10 Фильм-концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадий фильм. 1-серия.

ОРБИТА IV
6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 Мультифильм. 9.25 «Мию, болагинам Мию». Бадий фильм. 11.20 «Джэм». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Саёхатчилар клуби». 13.10 Телеспектакль. 14.00 «Татьяна Шмига. Автопортрет». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Мию, болагинам Мию». Бадий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «МДХ: хусусийлаштириш муаммолари». 18.40 «Инсон ва Қонун». 19.15 «Вагон-03». 19.45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Харфанинг машхур кишиси». 21.40 «Детективлар клуби»да. «Марлоу — хусусий изкувар». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.45 «Матбуот-экспресс». 22.55 Телефильм премьераси. 1-фильм. 23.45 Шаҳмат бўйича жаҳон биринчилигида. 24.00 Янгиликлар.

ВИД таништиради:
00.40 «Сивсий бюро». 01.15 «Музобоз». 01.55 «Авто-шоу». 02.25 «Х» программаси. 02.50 «Хит-конвейер».

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Параллеллар». 9.15 «Кетдинг». 9.25 «Осойишта уй». 10.20 «Хайвонот оламида». 11.20 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 12.10 «Уз манзили». 12.40 «Мушиқий имтиҳон». 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Йўлинг ёруғ бўлсин». Хужжатли фильм премьераси. 14.35 «Трансросэфир». 15.20 «Пилли-грим». 16.05 Кичкинтойлар учун янгиликлар. 16.20 Жума кунлари Дисней. «Ринго дарбадар ёнуг». Бадий фильм. 17.10 Рақуроода онлайв суврат. 17.25 «Телегазета».

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.50 Эдуард Хиль. «35 йилдан сўнг». 20.50 «Киноэфсоналар». Генри Фонда. 21.50 Спорт кўрсатуви. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.30 «Гуноҳ». Бадий фильм. 23.50 «Трансросэфир». 00.20 «Кечки салон».

23 ШАҢБА

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Яхши кайфият. 7.50 «Жонсарак». Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Шифокор маслаҳати. 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 «Алифбо сабоқлари». 9.40 «Фарғона йиллари». 10.05 «Цирк. Цирк. Цирк». 10.50 Инглиз тили. 11.20 «Ешлик» студияси. 12.05 Концерт. 12.35 Хитой тили. 13.05 «Тўрткўл жамоли». 13.40 Болалар учун. «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 18.20 «Ғазалхон ёшлигим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Катталар учун мультифильмлар. 19.35 Мовлуда Асалхўжаева куйлайди. 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Буюк мунажжим». Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан. 21.45 «Кориолан». Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.05 «Тунги ёғду».

УзТВ II
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Балерина». «Ўзбектеелефильм» премьераси. 19.55 Лирик концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадий фильм. 2-серия.

ОРБИТА IV
6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 Ишбилармон кишининг шамба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Спорт-имконият». 9.00 «Марфаон-15» таништиради. 9.30 Эфирда Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 10.55 «Тиббиёт ҳамма учун». 11.25 «Сергий бутхонаси». Уч серияли хужжатли фильм премьераси. 12.25 «Хукумат кишилари». 12.40 «Илҳом манбалари». 13.10 «Тинч оқар Дон». Бадий фильм. 2-серия. 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Мулқдор алифбоси». 15.35 «Пеппи — узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 16.05 «Пул ва сибат». 16.30 «Ультраси». 17.10 «Қизил квадрат». 17.50 «Янгра, гармон!» 18.30 «Хайвонот оламида». 19.15 «Обана». 19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Стингрей». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 2-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Коламбия пикчерс таништиради. «Дженнинг уруши». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.20 «Резонанс» студияси таништиради. 22.40 «Туғилган кунинг билан, Арбат!» 23.40 «Матбуот-экспресс». 24.00 Янгиликлар. 00.40 «50x50» телетомошаси.

УзТВ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.25 «730-формула». 8.55 «Сиз яратган бог». 9.25 Концерт. 9.50 Мульти-пульт. 10.00 «Рост» студияси. 10.30 «Пилли-грим».

11.15—14.00
«ЎЗБЕКISTON»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
14.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.20 «Динозаврга айланмайлик». 14.35 «Изабель». Дам олиш викторинаси. 15.20 «Тилла шпора». 15.50 Мульти-пульт. 16.00 «Чегарасиз футбол». 16.55 XX аср кадрда ва кадр ортида.

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.55 «Уинстон Черчилль» — чуққига йўл. Кўп серияли бадий фильм премьераси. 4-серия. 20.55 «Мутлақо махфий». 21.50 Спорт кўрсатуви. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.30 Гренд-репортаж. «Тўплар сукут сақ-

лаганда...» 23.00 «Қюша ҳузурда». 23.30 «Маски-шоу». 24.00 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари». 00.30 Тунги сеанс.

24 ЯҚШАҢБА

УзТВ I
7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 Болалар учун. «Тонгги салом». 9.00 «Маҳобҳорат». Кўп серияли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 37—38-сериялар. 10.30 Араб тили. 11.00 «Ешлик» студияси. «Гурунг». 11.50 Немис тили. 12.20 «Аҳвол қандай чемпион?». 12.40 «Фархрийлар — фахримиз». 13.10 Форс тили. 13.40 «Келажакни кўзлаб». 18.00 Мультифильмлар. 18.25 «Улғайиш погонлари». 19.00 «Ҳафтанома».

УзТВ II
«ОМАД» таништиради

ОРБИТА IV
6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 «Рухни чиниктириш». 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Авто-шоу». 9.00 «Марказ». 9.30 «Эрта сажарлаб». 10.00 «Ҳамма уйдалигида». 10.30 «Спортлото». 10.45 «Тонг юлдузи». 11.35 «Полгон». 12.05 «Пи» белгиси билан. 12.50 «Марфон-15». 13.30 «Қадрдон тупроқ». 14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар. 14.10 «Қусто командасининг сувести одиссеяси». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мультифильм. 15.35 «Саёхатчилар клуби». 16.25 «Хунари хор бўлмайди». 16.30 Мультифильмлар премьераси. 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 «Панорама». 18.45 Янгиликлар. 19.05 «Маринскда променад». 20.05 «КВН-93». МДХ ҳамда АҚШ командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви. 21.55 Эълонлар. 22.00 Янгиликлар. 22.50 Диний кўрсатуви. 24.00 Янгиликлар. 00.20 Шаҳмат бўйича жаҳон биринчилигида. 00.35 «Теледарт» ўйини. 01.10 «Куринмас душман». Бадий фильм (АҚШ).

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.25 «Деразалар нақшинок эди». Хужжатли фильм. 8.55 Хайрли тонг! 9.25 «Шоҳона мусобақа». 3-қисм. 9.55 Мульти-пульт. 10.15 «Здоровье». 10.45 «Рост» студияси. 11.15 «Ати-бати...» 11.45 «Қузги марффон». Бадий фильм. 13.15—15.20



Мамнун Жилмайди

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

ТЎЙДАН қайтаётган мохир ҳажвич Раҳмонбекни навбатчи машина тор кўча бошида қолдириб кетди. Кўча қопқоронғу, уч қадам нарини кўриб бўлмайди. Раҳмонбек беш-ўн қадам юрган эди ҳамки, кўзларига қўл фонари ёруғи тушиб, юришдан таққа тўхтади.

— Хў, артист, — деди фонар тўтган кимса. — Жонингдан умидинг бўлса, ёнингдаги пуллари чиқар!

Вазиятни тез фаҳмлаган Раҳмонбек бир даста 5000 сўмликни чиқариб кафтига қўйди-да, деди:

— Оғайни, бу қоғозларга ҳозир мушук ҳам офтобга чиқмайди. Нима қиласан буни. Менда катта олтин бор, шуни бера қолай.

Фонар тугган Раҳмонбекнинг ганидан шошиб қолди.

— Майли, қоғозларингни киссанга сол, олтинингни чўз! — деди ҳамон дўқ аралаш.

— Эй, биродари азиз, ҳозирги олтинни бирга олиб юриб бўладими?!

— Қаерда у олтин? Кўмиб қўйганмисан?

— Уйда. Юр, биродар.

Ўзимниям жонимга тегиб юривди, қутила қоламан.

Кимса унинг ортидан соядек эргашиди. Ўлжаси каттакон бўлади-ю, эргашмасинми?..

Раҳмонбекнинг ховлисида каттакон лампочка ёниб турарди. Эшикни тақиллатди. Аёл кишининг овози эшитилди.

— Ким, ҳозир очаман!

Соя Раҳмонбек ортида сичқон пойлаган мушукдай мўлтираб турарди. Тезроқ олтинни қўлга киритиш ниятида у.

— Олтиной, азизам, — деди Раҳмонбек, аёлга ялтоқланиб. — Мана харидоринг чиқиб қолди. Манаки кимса сени сўраяпти. Ўзинг гаплашиб қўй!

— А?! Ким экан мени сўраган?

Раҳмонбекнинг тузоғига илинган соя алданганини сезиб, зим-зиё тун қўйнига бир зумда сингиб кетди.

Раҳмонбек Исломов унинг орқасидан қараб, мамнун жилмайиб қўйди.

Тўлқин ИМОМХУЖАЕВ.

МУҒОМБИР ХОТИН

Шифокор бемор аёлни синчиклаб кўздан кечирди:

— Сизга маслаҳат шуки, — деди у беморга, — чап ёнбошлаб эмас, ўнг ёнбошингиз билан ётиб, ухланг, ўшанда наф кўрасиз.

— Вой, унақа қилолмайман, — дея жавоб берди аёл.

— Нега?

— Эрим тушида кўп яширин гапларини гапирверади. Сиз айтгандай ўнг ёнбошим билан ётгудай бўлсам, унинг сирларини эшитолмай қоламан.

«ЭРКИН ҚУШ»

Судья айбдордан сўради: — Уйлангунингизгача қанақа ҳаёт кечирардингиз, қанақа юмушлар билан шуғулланардингиз?

Айбдор афсусу надоматлар билан иқрор бўлди:

— Сиз сўраманг, мен айтмай. Уйлангунимча роҳату фароғатда яшардим. Ўзимга хон, кўланкам майдон. Нимаки хоҳласам ўшани қи-



либ, эркин қушдай учиб юрардим. Энди-чи... Тузоққа тушдим, афсус, минг афсус!..



СУНГГИ СЎЗ

— Вой дод, ўларимча ўлиб бўлдим-ку, — дея нолиди Райимжон дўстига. — Уйда яна даҳанаки жанг бўлди!

— Жангда энг сўнги сўзни ким айтди?

— Ким бўларди, мен айтдим.

— Масалан, нима дединг? — Бўпти, хотинжон, дедим, сен айтгандай бўлақолсин, дедим. Уша қимматбаҳо кўйлакни сотиб олсанг олақол, мен розиман, дедим-да, киссамни қоқлаб, бор пулимни унга беришга мажбур бўлдим.

— Қойил, сўнги сўзни ўрнига қўйибсан!


СЕН КЎРПАНГГА АЧИНАСАН

— Сизга юз марталаб айтдим, — деди хотини кашанда эрига, — ўринда ётганда чекманг, чекманг деб! Сиз ўз билганингизни қилиб, яна чекибсиз. Ана қаранг, чўғ тушиб кўрпа тугаяпти.

— Ҳа, сен фақат кўрпангга ачинасан! — деди эри унга жавобан мингиллаб. — Лекин чекиш менинг тинкамни қуришиб, соғлигимга қанчалик путур ётаётгани билан ишинг йўқ...

Турсунбой МАХМУДОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



1. Ўзбек мумтоз шоираси. 2. Қомусий аллома Абу Али ибн Сино таваллуд топган жой. 3. Фарғона водийсидаги Ўрта асарларда танилган, ҳозирда шаҳар ҳаробаси. 4. Аллоҳ номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси. 5. Йилда икки мартаба бўлиб ўтадиган диний байрам. 6. Бахшилар ижро этадиган кўшиқ тури. 7. Эртапишар, тўрлама қовун нави. 8. Покистондаги Синд вилоятининг асосий аҳолиси. 9. Узун оёқли қушлар туркумига мансуб парранда. 10. Хўжанд вилоятидаги кўмир қони. 11. Мамлакатимиз жанубидаги тизма. 12. Дунё томони. 13. Афғонистон шимолидаги қадимий шаҳар. 14. Муҳаммад алайҳиссаломнинг вориси. 15. Халқ латифалари қахрамони. 16. Бир кимёвий модданинг турли атом массаси билан фарқ қилувчи кўриниш. 17. Ўзбек халқ достончиси. 18. Парфия подшолигининг қароргоҳи бўлган қадимий шаҳар. 19. Расм-русм, удум. 20. Қадимий ер ўлчови бирлиги. 21. Тошкентда XIV аср охири XV аср бошларида қурилган мадраса.

Эйлар бўйича: 22. Мумтоз шеърятдаги топшмоқ, жумбоқ. 23. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги штат. 24. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 25. Ўзбек мумтоз шоири «Юсуф ва Зулайхо» дostonи муаллифи. 26. «Ўтган кунлар» тарихий рўмони қахрамони. 27. Дуррадгорлик асбоби. 28. Ўзбекистондаги шаҳар, вилоят маркази. 29. Амир Темуравлодига мансуб ўзбек уруғи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 18 СЕНТЯБРЬ СЕНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБИ

1. Анабар. 2. Арафа. 3. Алёхия. 4. Аттот. 5. Ақобир. 6. Арка. 7. Адолат. 8. Аргон. 9. Айният. 10. Ассом. 11. Африка. 12. Ақиқа. 13. Арслон. 14. Аммон. 15. Абовян. 16. Адана. 17. Анъана. 18. Арқоқ. 19. Адиллак. 20. Аждар. 21. Арриёд. 22. Айрон.

Ҳикмат: Бахт белгиси илм ва ақлдир.

КИМ ОШДИ

САВДОСИДА — ПИЧОҚ

ДЕКАБРЬ ойида Нью-Йоркдаги «Сотби» аукционда совет фазогирларининг ва олимларининг шахсий буюмлари сотиладиган бўлди.

Аукцион директори Дэвид Реддекнинг айтишига қараганда, ким ошди савдосига Юрий Гагариннинг старт олдидаги мактуби, Никита Хрущёвнинг биринчи фазогирга телеграммаси, Герман Титовнинг коинотда фойдаланган вилка ва консерва очадиган пичоги, Сергей Королевнинг логорифмик чизгичи, космик кемасининг тушурувчи аппарати, скафандрлар, коинот мавзусидаги суратлар бор.

Ким ошди савдосида баъзи фазогирлар, Россиядаги фазони ўрганиш билан шуғулланувчи корхоналар ва институтлар ҳам қатнашадилар.

ТОЖ МАҲАЛГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛМОҚДА

ҲИНДИСТОН Олий суди Агра атрофидаги 212 та саноат корхонасини ёпиш ҳақида қарор қабул қилди. Бундай жиддий қарорга келишга сабаб корхоналарнинг эгалари атроф-муҳитни тоза тутиш, тозалаш қурилмаларини барпо этиш ҳусусидаги фармоишлари амал қилмаётганиликлари туфайли бўлди. Натижада, Аградаги гаройиб меъморчилик ёдгорлиги — Тож Маҳалга жиддий зарар етмоқда.

Бу ноёб ёдгорликни ҳимоя қилиш ҳақида баҳс деярли 20 йилдан бери давом этиб келмоқда. Шу йиллар давомида Тож Маҳаланинг оқ мармардан бунёд бўлган деворлари ва миноралари атмосферадаги захарли моддаларнинг кўпайиши натижасида тобора саргайиб бормоқда. Экспертларнинг фикрича кимё саноати, металлургия, қурилиш корхоналари каби 700 дан ортиқ ташкилотлар атроф муҳитни ифлослантираётган экан. Суд ҳукми билан 200 дан ортиқ саноат корхоналари ёпилганлиги қолган корхоналарга балки сабоқ бўлар ва улар ўз муаммоларини хал қиларлар, деган умидлар бор.

Мақсад Тож Маҳални келгуси авлодлар учун ҳам худди янги қурилгандек сақлаб қолишидир.

русчадан Н. Назиров таржимаси.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

● Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

● нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-608 1 2 3 4 5 6

ИШОНЧ

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турсунбой МАДИЕРОВ, Турсун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурашул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.



● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иктисодий ҳаёт — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● БОСИШГА 15 октябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турсун НАЗАРОВ,
Тожибой АЛИМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63750 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.